

**Москва ва Бутун Рус патриархи КИРИЛЛнинг архипастирлар, пастирлар,
диаконлар, роҳиблар ва Рус Православ Черковининг барча содиқ фарзандларига
Рождество хабарномаси**

**Яратганнинг севикли архипастирлари, ҳақиқатгўй пресвитер ва диаконлари,
художўй роҳиб ва роҳибалар, азиз биродарлар ва опа-сингиллар!**

Барчангизни Масихнинг тирилишидек буюк байрам билан чин дилдан қутлайман.

Бу ёрқин кечада борлиқ мавжудотларининг барчаси қувочда, *чунки Раббий, халқларнинг умиди ва дунё нажодкорининг келиши яқинлашмоқда* (Масихнинг Рождествоси арафасида куйланадиган қўшиқ). Жаннатдан қувилганидан сўнг Яратган билан алоқани йўқотган, Унга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлиш - ва дарҳол жавоб олиш, тўлиқ хавфсизликда эканлигингизни билиш, ҳар куни Раббийнинг ҳузурини ҳис қилиш ва Унинг овозини яқиндан эшитиш нақадар қувончли эканлигини унутган одамлар кўп йиллар давомида Нажоткорнинг келишини умид билан кутмоқдалар.

Ҳалокатли касаллик ҳаётимизда ҳали ҳам ўзига хос таъсир ўтказиб келаётган, бирор бир воқеани олдиндан башорат қилиш ва режалар тузиш қийин бўлиб қолган, келажак ҳақидаги ташвишлар доимо олдимизда кўндаланг турган ва бизни тинмай ташвишга солаётган бугунги кунда бизга айнан мана шу хавфсизлик, ҳимояланганлик ва осойишталик туйғуси жуда ҳам етишмаяпти. Бирок, бундай оғир шароитларда биз инсониятнинг нечоғлик ожиз эканлигини айниқса кескин ҳис қилдик, ҳар бир янги кунни Яратганнинг энг катта инояти сифатида қадрлашимиз кераклигини, мажбурий ёлғизлик биз учун қанчалик оғир юк эканлигини ва оила аъзолари ҳамда дўст-у биродарлар билан доимий мулоқот имкониятига эга бўлиш ниҳоятда муҳимлигини англадик.

Охурда ётган гўдак Масихга, Унинг энг пок Онаси ва солиҳ Юсуфга юзланар эканмиз, фақат Худога ва одамларга бўлган чинакам муҳаббат бизни турли синовларда бардошли бўлишга, қалбимиздан кўрқувни қувиб, яхши амаллар қилиш учун куч бериши мумкинлигини тушунамиз.

Ахир, Муқаддас Биби Марям ҳаётининг энг муҳим дақиқаларида ҳам қийин шароитларда - бегона шаҳарда, кимсасиз жойда, чорва учун мўлжалланган ғорда яшаган. Бирок, бу бахтсиз ғор унинг учун *гўзал макон* бўлиб туюлган (Байрамолди қўшиқлар), чунки унинг юраги Ўғли ва Худога бўлган муҳаббат билан тўлиб-тошган эди: бу муҳаббат ҳамма нарсани ўзгартирди ва Бокира Биби Марям на қашшоқликни ва на ноқулай шароитларни илғамади. Яратганга миннатдорчилик ҳисси ва янги туғилган чақалоққа бўлган муҳаббат унга қийинчиликларни енгиб ўтиш ва Раббий унга юборган ҳар қандай шароитда Худонинг марҳаматини кўриш имконини берди. Бу, масалан, изоляция пайтида, кўпчилик ўз уйларини қамоқхона сифатида қабул қилганларида, умидсизликка тушиб, ҳамма нарсани қора рангда кўрганларида, бизнинг Яратган томонидан берилган синовлар ва уларни енгиб ўтиш ҳақидаги тасаввуримиздан қанчалик фарқ қилади.

Бугунги кунда Яратган билан бирга барча мавжудотлар - одамлар, ҳайвонлар, фаришталар, *Муқаддас Биби Марям, Учнур Тонгининг хизматкорлари* (душанба тонгида куйланадиган қўшиқнинг 5- бўлими) билан бир қаторда Нажоткор беланчаги атрофида ҳаёлан турар эканмиз, биз Худонинг бизга бўлган муҳаббати ва Масих атрофида барчанинг бирлашганини ҳис қиламиз. Келинлар, қалбимиздан кўрқув ва ишончсизлик, ташвиш ва умидсизлик кишанларини ечиб ташлайлик, гуноҳкор заминга келиб, *барча*

ҳолдан тойган ва оғир юк остида қолганларни ўз ёнига чақириб, уларга ором ваъда қилган Худо Ўғлининг овозини эшитайлик (Матто 11:28). У келади ва бизга йўқотилган жаннат саодати яна ҳақиқатга айланиши учун қандай яшаш кераклигини, инсон учун иложсиздек туйилган ва сирли кўринган тарзда Раббий билан бирлаша олиш мумкинлигини бизга ўргатади.

Ерда туғилган Самовий Шоҳ (байрам кўшиқлари) барчасини бизнинг нажотимиз учун қилди. Биз фақат Унинг севгисини қабул қилишимиз ва унга ўз ҳаракатларимиз - раҳм-шафқат амрлари ва эзгу ишларга мувофиқ яшаш, мустаҳкам имон ва Яратган билан бўлиш истаги, нафақат Нажоткор Отасининг кўлидан мўл-кўл неъматларни қабул қилишга тайёрлик, балки у ёки бу қийинчиликларни енгиш учун Унга қаттиқ умид ва ишонч билдиришимиз билан жавоб беришимиз мумкин.

Азизлар, яна бир бор сизни Рождество байрами билан табриклайман. *"Ҳеч ким бу хурсандчиликда иштирок этишдан четлаштирилмайди, - деб гувоҳлик беради Буюк Авлиё Лев, - ахир, қувончининг сабаби ҳамма учун умумийдир. Авлиёлар хурсанд бўлсинлар, чунки улар шон-шарафга яқинлашмоқда. Гуноҳкорлар-да хурсанд бўлсин, чунки унинг гуноҳларидан ўтилади»*. Раббий барчангизга руҳий ва жисмоний саломатлик, чексиз қувонч ва жасорат юборсин, меҳнатингизда ва нажот йўлидаги кейинги юришингизда сизни собит айласин. Омин.

МОСКВА ВА БУТУН РУС ПАТРИАРХИ

*Москва,
Масиҳ Рождествоси
2021/2022йил*